2005 YIL 27 AVGUST, SHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 103-104. (6.941). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»

**Шарипова Мавжуда Адизовна** - Қизилтепа туманидаги «Мавжуда» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Култўраев Нортожи Холбоевич** - Қизириқ туманидаги «Қорағосмоқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»

**Абатов Оринбой Калиховnatural** - Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директорининг ўринбосари

**Ботиров Акрам Кўкламович** - Жондор туманидаги Т.Ҳотамов номли очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг пудратчиси, Бухоро вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»

**Сотимова Эътибор Самиевна** - Чуст туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Наманган вилояти

**Йўлдошева Бўтахон** - Асака туманидаги Ғулом Ёқубов номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Андижон вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Назаров Бахтиёр Абдурауфович** - «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи

**Саримсоқов Маҳамаджон** - «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятининг электролиз аппаратчиси

**Тожиев Собитжон** - «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг чилангари

**Шишкин Борис Борисович** - Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг бош муҳандиси, Бухоро вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Жамолов Алиқул Мавлонович** - «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти «Толлимаржонқурилиш» шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Коломейцев Игорь Валентинович** - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири ўринбосари

**Ражабов Нўъмон Омонович** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-темир йўл машина станциясининг йўл созловчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»

**Рўзметов Гулмат Отамуродович** - «Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг канал гидротехниги, Хоразм вилояти

**Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Агаников Муҳиддин Насриддинович** - Наманган вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош врачи

**Аҳмедов Баҳодир Нормўминович** - «Шўртангазкимё» мажмуаси болалар спорт маркази бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Аҳмедова Зувайдахон** - Марғилон шаҳридаги «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Бахиев Амин** - Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими биоэкология институтининг директори

**Жумаев Тўхтамурод Муртозаевич** - Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг директори, Бухоро вилояти

**Қоратоев Икром Тошпўлатович** - Сайҳунобод туманидаги Қ.Мирзаев номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Матрасулов Шихназар** - Хоразм Маъмун академиясининг етакчи илмий ходими

**Менгноров Мамадамин** - Шўрчи туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Норов Иброҳим Норович** - «Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими оқсоқоллар Кенгаши аъзоси

**Ҳайитов Тоштемир Жумаевич** - Каттақўрғон туманидаги Ж.Ҳайитов номли фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Шоабдураҳимов Шоиноят** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили

**Эшпўлатов Бекпўлат** - «Нуроний» жамғармасининг Арнасой туман бўлими раиси, Жиззах вилояти

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдалниязов Бахтиёр Алимович** - Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг Хоразм вилояти филиали раҳбари

**Алламбергенов Аминбой Муратович** - Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоқ радиотелевидение узатиш маркази антенначи-мачтачиси

**Ортиқов Мамади**- Жомбой туманидаги «Қораариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Жўраев Тўлаган Тошпўлатович** - «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Шўртангазкимё» мажмуасининг бош муҳандиси

**Йўлдашев Басманкул Тожиевич** - Ширин шаҳридаги «Фарҳод» гидроэлектростанциясининг чилангари, Сирдарё вилояти

**Камбур Иван Филиппович** - Пахтакор туманидаги «Сангзор булоқ» масъулияти чекланган жамияти бош механиги, Жиззах вилояти

**Қўчқоров Чори Шаропович** - Пешку туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Бухоро вилояти

**Ли Альберт Семёнович** - Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси, Фарғона вилояти

**Мадёров Абдураҳим Абдураҳмонович** - Мингбулоқ туманидаги Й.Охунбобоев номли ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси, Наманган вилояти

**Мўминов Эшқувват Жумаевич** - «Косон машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг механизатори, Қашқадарё вилояти

**Рисқимов Соттибой** - Бўстонлиқ туманидаги «ЧорбоғГРЭСқурилиш» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент вилояти

**Холлиева Менгал** - Ангор туманидаги «Баҳодир» фермер хўжалигининг ишчиси, Сурхондарё вилояти

**Холманова Дилором** - Хатирчи туманидаги Э.Абдиев номли ширкат хўжалигининг механизатори, Навоий вилояти

**Юсупов Абдулла Аъзамович** - «Кўприкқурилиштрести» давлат унитар корхонасининг 13-отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Қодиров Ҳалимжон**- Олтинкўл туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдиев Абат Антаевич** - Томди туманидаги «Жана-шаруа» ширкат хўжалигининг ферма мудири, Навоий вилояти

**Абдуллаева Шарбат Зулпиқоровна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Обидов Босит Козимович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг техник директори

**Адилматов Деҳқонбой Адилматович** - «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

**Аллаберганов Сапарбой** - Янгибозор туманидаги «Хоразм» муқобил машина-трактор парки механизатори, Хоразм вилояти

**Аҳмедова Дилором Хушвақтовна** - Китоб туманидаги «Марҳабо» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Қашқадарё вилояти

**Бахромов Исахон Носирович** - Ангор туманидаги «Саиднодирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Бердиқулов Асатулла Ҳасанович** - Сардоба туманидаги А.Қодирий номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Иброҳимов Ғуломжон Иномович** - «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Иминов Бахтиёр Мирзажонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси

**Кенжаев Икром** - Қибрай туманидаги «Тошкентиссиқликэлектрстанцияқурилиш» шўъба корхонасининг монтажчиси, Тошкент вилояти

**Мамбетов Исматулла** - Чимбой тумани ўрмон хўжалигининг тракторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Маҳмудов Раҳим** - Пайариқ тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонасининг автогрейдерчиси, Самарқанд вилояти

**Муратов Владимир Зекиряевич** - Янгийўл туманидаги «Уфқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Набиев Шабон Шодиевич** - Қизилтепа тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Назиров Орифжон Халимович** - «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси Андижон механика заводи шўъба корхонасининг цех бошлиғи

**Нишонов Юсибжон Нишонович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Норбоев Алитош Жумаевич** - Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Самарқанд вилояти

(Давоми 2-бетда)

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**Адилов Агитай** - Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Темиров Ботир Даминович** - Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 25 август



**Адилов Агитай**



**Темиров Ботир Даминович**

---

## Президент Қозон шаҳрига жўнаб кетди

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 26 август куни Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти - Қозон шаҳрига жўнаб кетди.***

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни салмоқли эканини таъкидламоқ керак. Лекин МДҲ фаолиятини бугунги кун талаби даражасида дейиш қийин. Ҳамдўстлик доирасида олиб борилган музокаралар, қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий натижаси кам бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, сўнгги вақтларда МДҲ керакми, йўқми, деган саволлар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Фараз қилинг, МДҲ тарқатиб юборилса, бу аъзо давлатлар келажаги учун қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деди Ислом Каримов.

Лоақал масаланинг иқтисодий томонини олайлик. Бирорта давлат фақат ўз қобиғига ўралган ҳолда иқтисодий тараққиётга эриша олмайди. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётганини унутмайлик.

Бундан ташқари, МДҲ доирасида йўлга қўйилган алоқалар, қабул қилинган қатор шартномалар бор. Бугунги давр, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам МДҲнинг керак эканини тақозо этмоқда, деди Президентимиз. Зеро, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўзаро алоқаларни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳаракатларни янада жонлантириш, МДҲ фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш керак.

Ҳамдўстликни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эди. МДҲ саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий эмас, кўпинча сиёсий ва ҳарбий масалалар устувор бўлиб келди. Шу боис қабул қилинган қарорларнинг аксарияти тўла ишламаяпти.

Бу галги саммитда асосан МДҲни ислоҳ этиш ва унинг органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этиш кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти - Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тадбирларда ҳам иштирок этади.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

***2005 йил 26 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлди.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Сенат учинчи ялпи мажлисининг иши Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг Хонобод шаҳарчаси яқинидаги аэродромда жойлашган АҚШ қуролли кучлари контингентини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан мурожаатномасини кўриб чиқишдан бошланди.

Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Зайниев, С.Сафоев, Э.Воҳидов, М.Рустамбоев, А.Адилов, Ҳ.Ортиқбоева, П.Зиётов, М.Болтабоева, Б.Йўлдошев, Р.Валиева, В.Кучеров, С.Одилхўжаева, А.Султонов, Б.Убайдуллаев, В.Пак ва Ё.Фаттоев сўзга чиқдилар. Улар шуни таъкидладиларки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентига Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ҳукуматлари томонидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида Афғонистон ҳудудида фақат жанговар ҳаракатлар амалга оширилиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам операциялари ўтказиш учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ўзбекистон тарафининг бу қадами, сенаторлар қайд этганидек, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни Афғонистон ҳудудида жойлашган халқаро терроризм базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилиш тақозоси эди. Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид манбаларига қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай дадил қарори жаҳон жамоатчилигининг кенг эътирофига сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда)

---

## Меҳробдаги мўъжиза

***- Аждодларимизнинг ақл-заковати кишини ҳайратга солади, - дейди бухоролик кекса уста Иброҳим Аббосов. - Улар шундай мўъжизалар яратиб, бизга мерос сифатида қолдиришганки, кўриб ақл бовар қилмайди.***

ҚАДРИЯТ

Биласиз, Бухоронинг тупроғи шўр. Хумдонда пиширсанг ҳам йиллар ўтиб шўр ўз таъсирини кўрсатади. Шуни яхши билган ота-боболаримиз меъморий ёдгорликлар қурилишида биз, усталар тилида квас деб аталадиган қумдан фойдаланишган. Адашмасам, бундай қум Қоракўл томонларда бор.

(Давоми 6-бетда)

## Қутлаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририятининг аъзоси, Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Агитай Адилов Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди. Газетамизнинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Истам Иброҳимов "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Биз таҳририятимиз номидан уларни самимий қутлаб, юртимиз равнақи йўлидаги эзгу, яратувчанлик ишларига янада улкан муваффақиятлар тилаймиз!**

**ТАҲРИРИЯТ**

---

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Тадбиркор ҳуқуқи ҳимояда

***Республикамиз Президентининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир йўла бир нечта Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.***

Бу ҳужжатлар тадбиркорлар томонидан катта мамнунлик билан кутиб олинди. Зеро, иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилаётганини ҳар бир киши ҳис қила бошлади.

Мазкур Фармонлар ва Қарорлар тадбиркорлар фаолиятида ўз аксини қандай топмоқда? Ишбилармон рўпарасидаги тўсиқлар бартараф этилаяптими? Ўзгаришлар нималарда кўзга ташланмоқда?

Шу каби қатор саволлар билан Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Собир Каримовга муржаат қилдик.

–Мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги яқинлашаяпти. Кўпчиликка маълумки, мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ тадбиркорликка кенг йўл очган эди. Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобат тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги, "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги каби Фармон ва Қарорлари тадбиркорликни тубдан ўзгартиради.

(Давоми 5-бетда)

---

## Эътибор ва ғамхўрлик намунаси

***Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг Қуролли Кучларимизда ҳам кенг ислоҳотлар олиб борилди ва бунинг натижасида армиямиз жанговарлиги ва қудрати, ҳарбий хизматнинг нуфузи янада ортди. Айни дамда замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, мамлакат хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни бажара оладиган, сон жиҳатидан ихчам, ҳаракатчан, мукаммал миллий армиямиз тўла-тўкис шакллантирилди.***

Юрт мустақиллиги – бу олий бахт. Уни асраб-авайлаш, мамлакатимиз равнақи учун сидқидилдан хизмат қилиш эса ана шу юрт, ана шу замин фарзанди учун чексиз ғурурдир.

МУНОСАБАТ

Кейинги пайтларда ҳарбийларнинг ижтимоий муҳофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан тадбиқ этилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар айнан шунга йўналтирилди. Яқиндагина Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

Шубҳасиз, биз – ҳарбийлар Президентимизнинг мазкур қарорини мамнуният билан қабул қилдик. Ўз навбатида, мазкур қарор ҳарбийларимизнинг масъулиятини янада оширади. Чунки ҳукуматимиз бизга шундай қулайликлар ва имтиёзлар яратаётган экан, унга муносиб хизмат қилмоғимиз, ишончни шараф билан оқламоғимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрамоғимиз даркор.

**Жонтемир САФАРОВ,**
**ҳарбий хизматчи.**

---

ТАЪЛИМ

## Касб-ҳунар маскани

***Зомин маиший хизмат ва қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 2001 йил ўз фаолиятини бошлаган эди.***

Истиқлол йилларида бу каби коллежларда ёшларимизга касб-ҳунар сирларини ўргатишда замонавий технологиялар асқотмоқда. Бу масканда асосан юқорида таъкидланган соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади.

–Коллежда йилига 700-750 нафар ўғил-қиз таълим олади, - дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Абдурашид Акромов. – Таълим-тарбия жараёни 16 та йўналиш бўйича олиб борилади. Булар – агрономия, фермер-чорвадор, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш, банк иши, менежмент, мактабгача таълим, ҳуқуқшунослик, молия, бухгалтерия, автомобил ҳаракати хавфсизлиги, кинология, маркетинг, шу каби йўналишлардир.

Ёшларга ўттиз нафар олий маълумотли педагоглар касб-ҳунар сирларини қунт билан ўргатиб келмоқдалар.

Коллеж директорининг буйруғига асосан ички назорат гуруҳи тузилган бўлиб, давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши изчил назорат қилиб борилмоқда. Ҳар бир фан хонаси Япония давлати гранти ҳисобига жиҳозланган бўлиб, таълим жараёни янги педагогик технологияларга мувофиқ олиб борилмоқда. Вилоят касб-ҳунар таълими тизимининг электрон версия асосида дарс ўтиш бўйича ўқув семинари шу коллежда ўтказилганлиги бежиз эмас.

(Давоми 6-бетда)

---

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг

| | | |
|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 399,3 ▼ | - 0,3 |
| БЕНЗИН (91) | 464,7 ▲ | + 3,9 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 283,4 ▲ | + 1,5 |
| МАЗУТ | 77,1 ▼ | - 39,9 |
| СЖ.ГАЗ | 371,0 ▲ | + 102,1 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 816,1 ▲ | + 1,5 |
| САХАР | 588,0 ▼ | - 0,06 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 ▼ | - 0,07 |

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

**Парпиев Ботир Раҳматович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Рўзиев Маҳаммади** - «Нуроний» жамғармасининг Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги жамоатчилик маркази раиси

**Собиров Илгизар Матёқубович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Сангинов Абдуғани Абдураҳмонович** - Сариосиё туманидаги «ТўполангсувГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

**Соатова Ақида Содиқовна** - Жиззах шаҳридаги «Зилола-текс» акциядорлик жамиятининг цех технологи, Жиззах вилояти

**Сумонов Абдупатто** - Бувайда туманидаги «Янгиқадам» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

**Ҳакимов Хондамир Маъруфович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Ҳамидова Гулчеҳра** - «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятининг ҳамроҳ-таржимонлар шўъбаси мудири

**Худойқулов Ҳасан Рўзиевич** - «Ўзпаравтотранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-автоколоннанинг автокранчиси, Бухоро вилояти

**Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

**Шалимов Бакиржон Ёдгорович** - Ёзёвон тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Йўлдошев Аскар Кўчқорович** - «Тошкентметрополитени» давлат унитар корхонаси «Ўзбекистон» электрдепосининг машинисти

**Қушаев Бозор** - Қоракўл туманидаги Ё.Сафаров номли ширкат хўжалигининг механизатори, Бухоро вилояти

**Кукламов Шеркул** - «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

**Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдирашидов Аҳрор Норматович** - Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Абдураҳмонов Опаринжон Абдухалилович** - Фарғона туманидаги «Чимён-Форум» ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари, Фарғона вилояти

**Акрамов Раҳим** - «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси

**Алиева Зуҳра Кавлановна** - Юнусобод туманидаги «Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси, Тошкент шаҳри

**Аристанбеков Жонибек Жалиевич** - Учқудуқ туманидаги «Авангард» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Навоий вилояти

**Бобомуродова Анора Ёвқочтиевна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**Быстрова Любовь Владимировна** - «Янгиерйўлиндустрия» корхонасининг бетон қуйиш бўлими оператори, Сирдарё вилояти

**Жалилова Мансурахон** - Қуйи Чирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводи акциядорлик жамиятининг ишчиси, Тошкент вилояти

**Жумабоев Атҳам Сахиевич** - Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Иброҳимов Ахмет Мамутович** - Тўрткўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Иброҳимов Хайрулла Файзуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси котиби

**Иномов Раҳмат Нигматович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи ўринбосари

**Исмоилов Сапо** - «Хоразмқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг 3-Урганч филиали ғишт терувчиси

**Келимбердиева Айсулу** - Шуманай тумани телекоммуникация тармоқлари корхонасининг муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кеченов Сергей Иванович** - «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси «Автомагистрал» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари

**Ким Андрей Петрович** - Бектемир туманидаги «Сувмаш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Когай Лев** - «Самарқандгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг «Каттақўрғоншаҳаргаз» филиали ишчиси

**Кольцов Виктор Николаевич** - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош маркшейдери, Навоий вилояти

**Литвинов Николай Михайлович** - Ангрен шаҳридаги «Ангрен иссиқлик электр станцияси» турбина цехининг машинисти, Тошкент вилояти

**Мирбаротова Мавжуда** - Сирдарё вилояти тадбиркор ва ишбилармон аёллар уюшмасининг раиси

**Мишин Алексей Дмитриевич** - «Давуруғназорат» марказининг бош мутахассиси, Жиззах вилояти

**Муратбаев Амангелди Абилханович** - Пешку туманидаги «Жонгелди» ширкат хўжалигининг чўпони, Бухоро вилояти

**Ниёзова Жамила Абдуқодировна** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

**Нурматов Тошпўлат** - Кармана туманидаги «Намозбобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Одилова Сабоҳатхон Абдиваҳобовна** - Косонсой туманидаги «Дилшод» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Раҳмонов Зариф** - Бойсун туманидаги «256-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма» масъулияти чекланган жамияти раиси, Сурхондарё вилояти

**Ревенков Олег Петрович** - «Тахиатош иссиқлик электр станцияси» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Содиқова Маҳбуба Холиқовна** - Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Саидаматов Ҳамро Султонович** - «Урганч-экскаватор» очиқ акциядорлик жамиятининг электрпайвандчиси, Хоразм вилояти

**Солиев Эргаш Алибекович** - Пахтакор тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Сокольский Игорь Иванович** - В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Токарев Юрий Юрьевич** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қўқон локомотив депосининг катта устаси

**Тўйчибоев Эшпўлат Тўйчибоевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Турсуналиев Рўзи** - «Маҳалла» жамғармасининг Яккасарой тумани бўлими раиси, Тошкент шаҳри

**Усмонов Баван Ҳакимович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Усмонқулов Рустам Бозорбоевич** - Зомин тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонасининг ишчиси, Жиззах вилояти

**Фирсик Николай Сергеевич** - Амударё тумани ветеринария станцияси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хабибулина Хадича** - Оққўрғон туманидаги С.Сегизбоев номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Ҳакимов Бахтиёр** - Собир Раҳимов тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Шажияаев Нургали Таубаевич** - «Ўзбеккимёмаш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг чилангар-йиғувчиси

**Эбулисов Ферид** - «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бўлим бошлиғи

**Эрбобаев Баннабжон Усманович** - Марғилон механика заводининг цех бошлиғи, Фарғона вилояти

**Эргашев Қурақбой Ялгашевич** - Мирзачўл туманидаги Мирзо Улуғбек номли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Яковлев Алексей Александрович** - «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятининг созловчиси

**Қорёғдиев Мурот** - Миришкор туманидаги «Найзор» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотлансин:**

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдиев Ражаб** - Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

**Бобожонов Мадамин** - Хоразм вилояти, Урганч тумани

**Эгамбердиева Зарапат** - Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани

**Муротов Қурбон** - Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани

**Муфтуллаева Сулиў** - Қорақалпоғистон Республикаси, Қанликўл тумани

**Саноева Жумагул** - Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

**Сапаралиев Норбўта** - Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

**Суюнова Хамал** - Навоий вилояти, Қизилтепа тумани

**Узоқов Темир** - Фарғона вилояти, Фарғона тумани

**Ҳотамова Нисо** - Тошкент вилояти, Паркент тумани

**Холматова Ибодат** - Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани

**Шодиева Нормома** - Жиззах вилояти, Бахмал тумани

**Юнусбоев Уматали** - Наманган вилояти, Уйчи тумани

**Ҳамроева Истат** - Бухоро вилояти, Жондор тумани

**Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:**

## «Жасорат» медали билан

**Аббосхонов Рихсибой Абдилазизович** - Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар босмахонасининг Брайль системаси бўйича ҳарф терувчиси

**Абдукаримова Малика Қиличевна** - «Меҳр-қадам» ногирон спортчилар уюшмаси раиси, Тошкент шаҳри

**Аҳмедов Умид Мадаминович** - Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг армрестлинг бўйича мураббийси, Сирдарё вилояти

**Жамолова Моҳирабону Зайниевна** - Сирғали тумани марказий маслаҳат-ташхис поликлиникасининг болалар кардиоревматологи, Тошкент шаҳри

**Жўраев Пўлат** - Тошкент шаҳар Карлар спорт ассоциациясининг юнон-рум ва эркин кураш бўйича бош мураббийси

**Исломов Дўсмурот Алмирзаевич** - Денов туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Сурхондарё вилояти

**Исматов Мурот Мелиевич** - Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими раиси ўринбосари

**Намозова Дилрабо Тўраевна** - Шофиркон туманидаги «Дилрабо чеварлари» хусусий фирмаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Ражапов Бахтиёр Мелиевич** - «Матонат» футбол командасининг футболчиси, Тошкент шаҳри

**Шакаров Нишон** - Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 59-Кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси

**Ўрунбоев Шухрат Миножидинович** - Фарғона давлат университети талабаси, Фарғона вилояти

**Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётган қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуғаниев Отабек Абдуҳамидович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти бўлими Кенгаши муассислигидаги «Давр ва ёшлар» газетаси бош муҳаррири

**Абдузоиров Нормўмин Хуррамович** - Шеробод туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг механизатори, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаева Васила Тоҳировна** - «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш марказининг етакчи мутахассиси

**Абдуллаев Ҳотам Қобулжонович** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 203-тажриба йўл машина станцияси бригадири

**Аманов Сатим** - Тўрткўл туманидаги «Янги йўл» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Амонова Саодат** - «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Нурота почта алоқа тармоғи бошлиғи, Навоий вилояти

**Амуруллаева Ҳафиза Бохроновна** - Зарафшон қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, Навоий вилояти

**Орипов Ҳошимжон** - Норин-Фарғона ирригация тизими Охунбобоев тумани бўлимининг Қоражийда сув тақсимлаш участкаси сувчиси, Фарғона вилояти

**Орипов Набижон Маруфович** - «Кўприкқурилиш» трестининг 67-кўприк-қурилиш отряди монтажчиси

**Ортиқов Абдусами Ғаниевич** - Тўрақўрғон туманидаги «Ибрат» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Асанов Улуғбек Жадигерович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоқ давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси

**Астанова Умсун** - «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Фориш тумани таянч пункти директори, Жиззах вилояти

**Ахтемова София Мухтаровна** - «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг бўёқчиси, Тошкент шаҳри

**Охунов Аҳмаджон** - «Бағдод 78-автокорхонаси» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Аширова Сара Сатибалдиевна** - «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятининг шифер цехи голлендорчиси, Тошкент вилояти

**Ашуров Тохиржон Тилавқулович** - «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Бобоев Тоҳир** - Бекобод туманидаги «Далварзин таъмирлаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг қуюв цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Бобоева Алияхон Аманбаевна** - Янгийўл шаҳридаги «Янгийўл ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг аппаратчиси, Тошкент вилояти

**Боймуратов Комилжон Ниматович** - Ангрен шаҳридаги «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Бақоев Рустам Ҳамроевич** - Шофиркон тумани электр тармоқлари корхонаси тезкор гуруҳи электр монтёри, Бухоро вилояти

**Болтабоев Ваҳобжон** - Мирзаобод туманидаги «Болтабой ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Бегимкулов Тошпўлат Баратович** - Музработ туманидаги Х.Бердиқобилов номли ширкат хўжалигининг тракторчиси, Сурхондарё вилояти

**Бекмирзаев Ойбек Кўшоқович** - Оқолтин туманидаги «Оқолтин пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси, Сирдарё вилояти

**Бектошев Эркин** - Пастдарғом туманидаги «100-автожамланма» ҳиссадорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Бердиев Имомкул** - Жиззах туманидаги «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Боботов Останакул Чориевич** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-темир йўл машина станцияси корхонаси йўл устаси

**Бобоёрова Саида Шобердиевна** - Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» акциядорлик жамиятининг ип йигирувчиси, Сурхондарё вилояти

**Бозоров Абдумалик Абдумажидович** - Бешариқ туманидаги «Яккатут» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Фарғона вилояти

**Бозоров Баҳодир Қодиралиевич** - Бўз туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Андижон вилояти

**Бозоров Ўктам Холдорович** - «Паркент автобус-такси саройи» масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Верешагина Римма Раҳматуллаевна** - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши девони ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари

**Ғаниев Муратбой Шимбергенович** - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Дадамуҳамедов Абдувоҳид Парахович** - «12-трест» акциядорлик жамияти 2-механизациялашган кўчма колоннасининг бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

**Жумаев Ойбек Чориевич** - Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа бош илмий ходими

**Жўраев Тоҳир Урдушевич** - «Жиззахавтойўл» йўл-қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотининг бош муҳандиси, Жиззах вилояти

**Жўраев Шамшиддин Турғунбоевич** - «Намангандонмаҳсулот» очиқ акциядорлик жамиятининг чилангари, Наманган вилояти

**Дурбаев Тошпўлат** - Булунғур туманидаги «Тошпўлат» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Ерлерова Улмикен Ҳайдаровна** - Питнак шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг катта телефонисткаси, Хоразм вилояти

**Ёдгоров Рустамхўжа Эргашевич** - «Қўқон суперфосфат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг машинисти, Фарғона вилояти

**Жамолова Мунавар** - Ғиждувон туманидаги Ҳ.Олимжон номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Бухоро вилояти

**Жўраев Равшан** - Каттақўрғон туманидаги йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасининг ишчиси, Самарқанд вилояти

**Жўраев Эргаш** - Термиз туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Зокиров Боймирза Маматраимович** - Олтинсой туманидаги «Бунёдкор» қурилиш шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Иброҳимов Азамат Шавкатович** - Тошлоқ туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, Фарғона вилояти

**Иброҳимова Муқаддас Умурзоқовна** - Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигининг сут соғувчиси, Тошкент вилояти

**Иброҳимова Сания Шамуратовна** - Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

**Иброҳимова Фотима** - Бухоро шаҳридаги А.Фитрат номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, Бухоро вилояти

**Имияминова Дилбархон** - «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг муҳандис-технологи

**Ирденова Лиля Маҳмудовна** - Ҳамза туманидаги «Намунали хизмат» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Исабаев Турсун Ушанович** - Янгийўл шаҳридаги «Янгийўл полиграф сервис» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

**Исмоилов Бекчан** - «Полвон-Ғозовот» ирригация тизими Қўшкўпир участкасининг экскаваторчиси, Хоразм вилояти

**Исоқов Жаҳонгир Жалолидинович** - Янгиқўрғон туманидаги «Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини посбони, Наманган вилояти

**Эшонкулов Бурхон Ивадиллаевич** - Китоб туманидаги 225-механизациялашган кўчма колоннанинг ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Йўлдошева Ширин Шариповна** - «Элликқалъа олтин толаси» акциядорлик жамиятининг той тикувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Камолов Юнус Каримович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали «JBIC» лойиҳасини кузатиб бориш хизмати бошлиғи

**Қоратоев Бахтиёр Раҳимович** - «2-Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Каримов Абдиҳошим Каримович** - Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкат хўжалигининг механизатори, Тошкент вилояти

**Каримов Арзимурот** - Арнасой туманидаги «Назарбек» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Каспулатова София Илгизаровна** - Қашқадарё вилояти Каратэ Федерацияси мураббийси

**Киселёва Татьяна Николаевна** - Жомбой туманидаги «Самжинтекс» қўшма корхонасининг цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Койлибаева Сарахан Базарбаевна** - Нукус шаҳридаги «Пром-инвест» кичик корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қосимова Ҳалима Ғаниевна** - Чуст туманидаги «Гулизар» хусусий фирмасининг бошлиғи, Наманган вилояти

**Курбонов Бахтиёр Имомович** - Узун туманидаги «Ботир» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Кўчқаров Сапарали Ҳолбўтаевич** - Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Кушвид Ольга Николаевна** - «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Маркетинг тадқиқотлари ва сифат бошқармасининг бош метрологи

**Леоненко Вера Андреевна** - «Электрокимёзаводи» қўшма корхонасининг цех бошлиғи, Навоий вилояти

**Мадаминов Матқосим Саримсоқович** - Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти таъмирлаш-қурилиш бўлимининг чилангари, Тошкент вилояти

**Мадаминова Гулбаҳор** - Урганч туманидаги «Маҳмуд-Солий» фермер хўжалигининг ишчиси, Хоразм вилояти

**Мадраҳимова Раънохон** - Хўжаобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Маллаева Гулчеҳрахон Мамировна** - «Узсаламан» қўшма корхонасининг пойабзал тайёрловчиси, Фарғона вилояти

**Мамажонов Собиржон** - «Наманганирқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «1-Наманганирқурилиш» шўъба корхонасининг экскаваторчиси

**Маматкулов Жабарали Қамбарович** - Кўрғонтепа туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти механизатори, Андижон вилояти

**Маматқулов Солижон** - Пахтаобод туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Маматқулова Раҳима Усмоновна** - Фурқат туманидаги «Юксалиш» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Мамаюсупов Убайдулла Абдуллаевич** - Ғаллаорол туманидаги магистрал газ тармоқлари бошқармасининг катта диспетчери, Жиззах вилояти

**Мамбетмуратов Бахитбой Мамбеталиевич** - Мўйноқ тумани телекоммуникация тармоғи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мамбетниязов Қуатбай** - «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Қонликўл тумани филиалининг тезкор-диспетчерлик гуруҳи муҳандиси

**Маткаримова Айша Аламбергеновна** - Хўжайли тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матқурбонова Маргамжон Раҳимовна** - Қўшкўпир туманидаги «Баҳром» хусусий фирмасининг тикувчиси, Хоразм вилояти

**Матмуратова Гулчеҳра Матназаровна** - Гурлан туманидаги «Гурлан» ҳиссадорлик жамиятининг ип йигирувчиси, Хоразм вилояти

**Маҳкамов Бурхонжон Расулович** - Данғара туманидаги «Бурхонжон Маҳкамов» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Маҳкамова Жаннатбу Деҳқоновна** - Поп туманидаги «Тошқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Маҳмудов Сирожиддин Хурамович** - «Самарқандбурғуасбоби» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси, Самарқанд вилояти

**Машарипова Саломатпошша** - «Ўзбектуризм» миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлинмасининг ҳамроҳ-таржимони

**Мейлиев Ўрол Эргашевич** - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасининг йўл устаси

**Мирзалиева Карима** - Наманган шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси, Наманган вилояти

**Мирзахўжаева Мамлакат Омонхоновна** - Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Мирзоева Муҳаррам Аҳмедовна** - «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Бухоро филиалининг «Галаосиё» алоқа тармоғи бошлиғи, Бухоро вилояти

**Мирзоқобилов Муратқобил** - Иштихон туманидаги «Жамшид» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Мўминов Хайрулла** - Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Муратова Елена Юрьевна** - «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик жамиятининг бош иқтисодчиси

**Муҳамадиева Зиёда Асқаровна** - «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти майдалаш цехининг мотористи, Навоий вилояти

**Нажимов Кайрадин Саумадинович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиалининг етакчи муҳандиси

**Назаров Орзиқул Маматович** - Тайлоқ туманидаги «Бекшод» кичик корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Настинов Сайфидин** - «Наманганирқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Чортоқ қурилиш-монтаж» шўъба корхонасининг экскаваторчиси, Наманган вилояти

**Наюк Владимир Иванович** - Чилонзор туманидаги «8-темир-бетон буюмлари заводи» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

**Нигматов Икром Хожиматович** - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзгидромет» маркази автохўжалигининг моддий-техника таъминоти хизмати бошлиғи

**Нурматов Акмалжон Авазбекович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шаҳрихон тумани бўлими Кенгашининг «Камалак» болалар ташкилоти раиси, Андижон вилояти

**Нурматов Бахтиёр Холматович** - Тошкент туманидаги «Келес автобус-такси саройи» очиқ акциядорлик жамиятининг созловчиси, Тошкент вилояти

**Нуров Жумабой Сатторович** - «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг бўлим бошлиғи

**Нуримбетов Откирбай Палуаниязович** - Кегейли туманидаги «Даўлет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Омонкулов Нурали Эштемирович** - Қамаши туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Қашқадарё вилояти

**Отабоева Муҳаббат Қодировна** - «Намангантекстил» акциядорлик жамияти тўқув фабрикасининг тўқувчиси, Наманган вилояти

**Отабоев Турсун Собирович** - «20-трест» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

**Отажонов Йўлдошбой** - Урганч шаҳридаги 2534-автожамланма ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

**Отажонов Нураддин Жуманиёзович** - Хонқа туманидаги «Қувонч» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Отегенов Омирбай Кудайбергенович** - «Ўзгеобурнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси Устюрт қидирув-бурғулов бошқармаси унитар шўъба корхонасининг бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пазилбеков Атаубай Ажибаевич** - Нукус шаҳридаги «386-кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамиятининг бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пўлотов Фахриддин Рамазонович** - «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 9-қурилиш-монтаж фирмасининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

**Ражабова Тожиой** - Ургут туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Самарқанд вилояти

**Райимов Азимжон Мўминбоевич** - Янгиер шаҳридаги «124-автокорхона» масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

**Расулов Ботирали** - Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг сувчиси, Андижон вилояти

**Расулова Муҳаррам Нурматовна** - Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Рафиқова Мамлакат Қосимовна** - Собир Раҳимов туманидаги «Бош кийимлар фабрикаси» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчиси, Тошкент шаҳри

**Раҳимов Ҳамиджон Мамажонович** - Олтиариқ туманидаги Ҳамза шаҳарча фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар билан ишлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича комиссияси раиси, Фарғона вилояти

**Раҳимова Маҳфуза Ваҳобовна** - Наманган шаҳридаги «Аснамтекстил» ўзбек-турк қўшма корхонасининг ип йигирувчиси, Наманган вилояти

**Ризоев Ҳасан Олимович** - Ховос тумани ветеринария станцияси бошлиғининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Рўзиев Собир Содиқович** - Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқариш цехининг смена бошлиғи

**Рустамов Барот Гулович** - Бухоро туманидаги «Хумин» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Рустамов Дилшод Анварович** - «Ромикон-Сервис» масъулияти чекланган жамиятининг техника воситаларини таъмирлаш бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Рустамова Мавжуда** - Гулистон шаҳридаги «Машхура-М» кичик корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Рустамова Сурманиса Ханчубековна** - Бекобод шаҳридаги «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятининг кран машинисти, Тошкент вилояти

**Рўзиев Тошболта Омонович** - Шеробод туманидаги «Инвест-Транс» автокорхонасининг ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

**Рўзиматов Исмоилхон Дўсматович** - Пскент туманидаги «Пскент» ширкат хўжалигининг механизатори, Тошкент вилояти

**Собиров Иброҳимжон** - Жалолқудуқ туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Андижон вилояти

**Саденбаев Шарақул Содиқович** - Учқудуқ туманидаги «Жузқудуқ» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Навоий вилояти

**Саидов Давлет** - Тўрткўл туманидаги «Баракат-Тўрткўл» ҳиссадорлик жамиятининг сотувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сайдалиев Жамшиддин Абдуғаппорович** - халқ санъати усталари «Устазода» корхонасининг миниатюрачи рассоми, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши аъзоси

**Сайфутдинов Машрух Ғиёсович** - Мирзо Улуғбек туманидаги «Халқ хизматида» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Салимсакова Мавлуда Раҳматуллаевна** - Чирчиқ шаҳридаги «Ғунча» очиқ акциядорлик жамиятининг мато кесувчиси, Тошкент вилояти

**Сангиров Абдухолиқ Йўлдошевич** - Гулистон туманидаги «Мирзамиддин ота» фермер хўжалигининг механизатори, Сирдарё вилояти

**Санокулов Сайфидин Ярашович** - Учқудуқ тумани автойўл бошқармасининг ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Саримсоқов Жўрабой Қосимович** - «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресты» акциядорлик жамиятининг устаси

**Сотиболдиев Абдумўмин Отахонович** - Янгиқўрғон туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Наманган вилояти

**Сотивалдиев Пўлатжон Одилович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми мотоўқчи батальони командири ўринбосари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими Кенгаши аъзоси

**Сафаров Абдуғани Кўчқорович** - Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Сиддиқов Қаҳрамон Зокирович** - Қува туманидаги «Қосим-карвон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Сиддиқов Самидин Сайитович** - «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг ишчиси, Андижон вилояти

**Снегирева Любовь Васильевна** - «Подъемник» акциядорлик жамияти механика цехининг устаси, Тошкент шаҳри

**Саъдуллаева Бика Оллаберганова** - «Хива гиламлари» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ип йигирувчиси, Хоразм вилояти

**Солиева Маҳарамой Якубовна** - Учкўприк туманидаги «Ҳумо-уч» ҳиссадорлик жамиятининг ип йигирувчиси, Фарғона вилояти

**Соловьёва Надежда Владимировна** - «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг Сирдарё тумани филиали почтачиси, Сирдарё вилояти

**Субхонов Суннат** - «Бухоромебель» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

**Султангирова Зигиния Касимовна** - «Тошкент лакбўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг аппаратчиси, Тошкент шаҳри

*(Давоми 3-бетда)*

МУКА 1 сорт 197,2 ▼ - 0,4 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,01 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 0,02 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 847,2 ▼ - 391,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I1561 840,0 ▼ - 0,5 | КАРБАМИД 155,4 ▲ + 10,1

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-2-бетда)

**Султонов Раҳимбой** - Боғот туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Хоразм вилояти

**Сызранцева Людмила Михайловна** - «VISO» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасининг модельери, Тошкент шаҳри

**Тоиров Бахридин Зокирович** - «Бухоро-1» темир йўл бекати йўл хизмати устахонасининг чилангари, Бухоро вилояти

**Тошова Жангил Жумаевна** - Конимех туманидаги «Олимжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Темирходжаев Анвар Пўлатович** - «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Махсус ва лицензия бериш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тоғаев Комил Авилович** - Навоий шаҳаридаги «Меъмор» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Навоий вилояти

**Тоғоев Нурулло Абдуллоевич** - Навоий давлат педагогика институти талабаси, оғир атлетика бўйича спорт устаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти бўлими Кенгаши аъзоси

**Туктибаев Согиндик Чегабаевич** - Бўстонлиқ туманидаги «Ўзбекгидроэнергоқурилишиндустрия» шўъба корхонасининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Тўлаганов Амонжон Зиёевич** - Республика «Нуроний» жамғармасининг корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси

**Турдимуродов Эркин Темирович** - Чироқчи туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Турекеева Жигагул Каниязовна** - Қораўзак туманидаги «Бекимбет ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Умаров Темир** - «Нуроний» жамғармасининг Миришкор тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

**Умарова Насиба Пардаевна** - Кармана туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пиллачиси, Навоий вилояти

**Умирзоқова Нурхон** - Уйчи туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Уралов Уриш Ҳамидович** - Сардоба туманидаги «Машина-трактор парки» ҳиссадорлик жамиятининг трактор оператори, Сирдарё вилояти

**Уркинбоев Йўлдош Кулмуханович** - «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Учтепа тумани бошқармасининг электргазпайвандловчиси, Тошкент шаҳри

**Ўролов Абдуваҳоб Муродович** - Зарбдор туманидаги «Янгиер» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Ўрунов Обиджон Қаюмович** - Навбаҳор тумани йўл хўжалик пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Навоий вилояти

**Фозилов Фарҳод** - Шаҳрисабз шаҳридаги «Саъдий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Ҳайитова Зиёда Саидовна** - Қарши шаҳридаги «Элегант-Зиёда-дизайн» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Халилов Ғуломжон** - Андижон туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

**Ҳалимов Барот** - Яккабоғ туманидаги «Олтин бошоқ» хусусий корхонаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Холматов Одилжон Шокирович** - Янгиер шаҳридаги «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори, Сирдарё вилояти

**Холмуратов Кутлибой** - Шовот туманидаги 289-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннанинг дурадгори, Хоразм вилояти

**Ҳамидов Муҳиддин Темирович** - Навоий кон-металлургия комбинати «Марказий» кон бошқармасининг 9-автокорхонаси ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Ҳамроев Иброҳим Шойкулович** - Олот туманидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Бухоро вилояти

**Хамроева Гулираъно Шокировна** - Касби туманидаги «Гулираъно» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Ҳасанов Комил Шарифович** - Термиз шаҳридаги «Динамо» спорт моллари хусусий дўкони директори, Сурхондарё вилояти

**Ҳасанова Минавархон Абдуллажоновна** - Риштон туманидаги «Умид-Ойдин» кичик корхонасининг тикувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳошимов Равшан Қаҳҳорович** - «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуасининг ошпази, Тошкент шаҳри

**Хидирова Шаодат Имомовна** - Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Хўжаева Муборакхон** - Яккасарой туманидаги «Қушбеги-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Холиқов Муталибжон** - Андижон туманидаги «Айрилиш» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори, Андижон вилояти

**Худойберганов Юсуп** - «Нуроний» жамғармасининг Боғот тумани бўлими раиси, Хоразм вилояти

**Худойбердиев Обиджон Ёқубович** - Хўжаобод туманидаги Ҳамза номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Худоёрова Кундус Амиркуловна** - Нуробод туманидаги «Дуржамол» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раиси, Самарқанд вилояти

**Ҳусанов Рустам Бозорбоевич** - Чиноз туманидаги «Хусанов Б» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Хўжамбердиев Зуҳиддин Сайдалиевич** - Норин туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг токари, Наманган вилояти

**Шодиев Барака** - Томди туманидаги «Аяқ-кудуқ» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Навоий вилояти

**Шарипов Музаффар Самандарович** - Бухоро давлат университетининг илмий ходими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти бўлими Кенгаши аъзоси

**Шатанова Хайринисо Абсаломовна** - Самарқанд шаҳридаги «Олтин аср» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Шералиев Кутбудин Нуридинович** - Бандихон туманидаги «Ғаллакор» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Шерматов Адҳам Содиқович** - Ёзёвон туманидаги «Толқудуқ-97» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Шигильчева Ирина Алексеевна** - «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси инвестицияли лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси бошлиғи

**Шодмонова Фарида Жалиловна** - Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Шопўлатов Турсункул** - Хатирчи тумани «Хотира ва қадрлаш ҳамда ободонлаштириш» хайрия жамғармаси раиси, Навоий вилояти

**Шукурова Раъно Худайназаровна** - Пастдарғом туманидаги «Гулшод» жамоа корхонасининг тикувчиси, Самарқанд вилояти

**Эргашев Ғофур Бектошевич** - Булоқбоши туманидаги Б.Режапов номли ширкат хўжалигининг пудратчиси, Андижон вилояти

**Эргашев Жўрақўзи Жалолиддинович** - Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Фарғона вилояти

**Эркабоев Раҳматжон Ҳакимович** - Олтиариқ туманидаги «1-кўчма механизациялашган карвон» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

**Эшқуватов Ўрол Норқобилович** - Деҳқонобод туманидаги М.Ибрагимов номли ширкат хўжалигининг чўпони, Қашқадарё вилояти

**Эшчонов Отабой Жумабоевич** - Ҳазорасп туманидаги «Саноат-Ҳазорасп» муқобил машина-трактор парки механизатори, Хоразм вилояти

**Йўлдошева Онажон Раҳимовна** - Шовот туманидаги «Отажон» фермер хўжалигининг ишчиси, Хоразм вилояти

**Йўлибоев Абдураззоқ Позилович** - Поп туманидаги «Машъал» ширкат хўжалигининг механизатори, Наманган вилояти

**Юнусов Жавод Махмудалиевич** - «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг инвестиция ва ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Ёдгоров Сапарбой** - Янгибозор туманидаги «Ёдгор хўжа» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Яхёев Фарҳод Маликович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жарқўрғон тумани бўлими Кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

**Курёзов Ўразмат Йўлдошевич** - Янгибозор туманидаги «Оча қалъа» маҳалла фуқаролар йиғини посбони, Хоразм вилояти

**Ғойипов Дилшод Қадамбоевич** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Урганч давлат университетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Хоразм вилояти

**Ҳалимова Хушвақт Собировна** - Қоракўл туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси тикувчиси, Бухоро вилояти

**Ҳамроқулова Шоҳиста Шамшидиновна** - Самарқанд давлат университети талабаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг факультет бошланғич ташкилоти етакчиси

**Ҳамроқулова Юлдуз Ойбековна** - Жиззах шаҳридаги А.Навоий номли 3-ўрта мактаб ўқувчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар сардорлар Кенгаши раиси

**Ҳожиев Фарҳод Тўхтаевич** - Ромитан туманидаги «Тўхтабобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 август

---

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Сенаторлар шуни таъкидлаб ўтдиларки, Афғонистон ҳудудида фаол жанговар ҳаракатлар тугалланганлиги муносабати билан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг «Хонобод» аэродромидан фойдаланиши ўз мазмун-моҳиятини йўқотди. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Битим бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла-тўкис адо этганлиги ҳам сенаторлар томонидан айтиб ўтилди. Айни вақтда Америка томони инфратузилмани барпо этиш, объектни муҳофаза қилиш, атроф муҳитга, аэродром яқинида яшаётган аҳолига етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий харажатлар қилгани йўқ. Шу муносабат билан Хонобод шаҳарчаси, Қарши шаҳри ва умуман Қашқадарё вилоятида яшовчи фуқаролардан «Хонобод» аэродромининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингенти томонидан фойдаланилиши туман экологиясига салбий таъсир кўрсатаётганидан, бу жойда яшаётганларга анчагина моддий зарар етказаётганидан, америкалик аскарлар келгунга қадар бу ерда аҳоли фойдаланиб келган шароитлар сезиларли даражада ёмонлашганлигидан мунтазам равишда кўплаб шикоят ва аризалар тушмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони «Хонобод» аэродромида турган америкалик ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларнинг бундан кейин бу ерда бўлиши тўғрисидаги масалани 2002 йилнинг охирларидан бошлаб АҚШ вакиллари олдига бир неча бор қўйди. Ўзбекистон томони музокараларда жаҳондаги энг ривожланган давлат - АҚШ билан муносабатларни узиш мақсадини қўймаганлиги, балки ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, иккала мамлакат ўртасида ҳамкорлик риштаcларини мустаҳкамлашга интилганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Бундан ташқари, мазкур масалани муҳокама этиш вақтида шу нарсага урғу берилдики, Битим амал қилишининг тугатилиши минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё ҳудудида ҳарбий базалар қанча кам бўлса, бу ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига қўшилган ҳисса шунча салмоқли бўлади, деб айтилди.

Муҳокама якунлари асосида Олий Мажлис Сенати АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Баёнот қабул қилди.

Сўзга чиққанлар, ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинганлиги, Сенат Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қиладиган орган бўлибгина қолмай, балки мамлакатни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим масалалари юзасидан қарорлар ҳам қабул қиладиган орган эканлигини яна бир бор намойиш этди, деб таъкидладилар.

Айни шу сабабли «Хонобод»га доир масала муҳокамаси чоғида сенаторлар Андижон воқеалари юзасидан ўзларининг принципиал позицияларини билдириб ўтдилар. Бу фожиали воқеаларни сенаторлар бузғунчи кучларнинг, шу жумладан, мамлакатимиз сарҳадларидан ташқаридаги шундай кучларнинг Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга, унинг конституциявий тузуми асосларига, мустақил сиёсатига путур етказишга, мамлакатимизни ўзи танлаган дунёвий демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан оғдиришга уриниш деб баҳоладилар. Мамлакатимиз шаънига доғ тушириш, унинг халқаро обрў-эътиборига зарар етказишга қаратилган чинакам ахборот уруши эълон қилинди. Сенаторлар шу муносабат билан мамлакат раҳбариятининг Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш, хавфсизликни таъминлаш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя этиш йўлидаги қатъий ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватладилар.

Сўзга чиққанлар Сенат Кенгашининг 19 августда Қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва фракция раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан депутатлар ва сенаторлар фаолиятига берилган танқидий баҳони адолатли ва асосли деб эътироф этдилар. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, барча сенаторлар ва депутатлар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишлари, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда юксак масъулият кўрсатиб, ўз салоҳиятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришлари, ўзларига билдирилган юксак халқ ишончини оқлаш учун мамлакат миллий манфаатини кўзлаб, бор куч ва имкониятларини сафарбар этишлари зарур.

Сенат мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қабул қилинган қонунлар ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Сенат айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунчилик палатаси томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунларини, фуқаролик-процессуал ҳуқуқий нормаларни, шунингдек маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни тузишда камчиликлар борлиги сабабли рад қилди.

Қонунларни рад қилиш механизмининг қўлланилиши, асосий мақсади қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш бўлган икки палатали парламентни тузиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу билан Сенат мажлисининг биринчи иш куни ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**

---

# Ўзбекистон Республикаси Сенатининг БАЁНОТИ

***Ўзбекистон Республикасининг Сенати Ўзбекистон Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати номидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ АҚШга бериб турилган «Хонобод» (Қарши) аэродромидан бу мамлакатнинг фойдаланиши муддатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб қуйидагиларни таъкидлайди.***

Мазкур Битим, унинг 2 ва 18-моддаларида таъкидланганидек, АҚШ Ҳукуматига халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида АҚШнинг Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар ўтказиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатиш операциялари учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ва бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, Битим амал қилишининг дастлабки муддати бир йилни ташкил этган бўлиб, у тарафлардан бири битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақида 180 кун олдин ёзма равишда хабардор этмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолишда давом этиб келган.

Битимнинг имзоланиши антитеррор коалиция иштирокчиси сифатида Ўзбекистон тарафининг тинчликка ва умуман Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни афғон юртида халқаро терроризм кучларининг базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилишининг тақозоси эди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати америка контингентининг «Хонобод» аэродроми ҳудудида бўлиши тўғрисидаги Битим аввал бошданоқ АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудида толибон тузумига ва халқаро терроризм кучларига қарши фаол жанговар операциялар ўтказиши билан боғлиқ эканлигини ҳамда бу жанговар операциялар тугалланганидан кейин «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш ўз мазмун-моҳиятини йўқотаётганлигини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон тарафи Битим бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла-тўкис адо этди. Айни бир вақтда Америка тарафидан, америка контингентининг шахсий таркиби жойлашиб олишига доир харажатларни истисно этганда, зарур ер усти ва ҳаво инфратузилмасини барпо этиш, муҳофаза қилиш, парвозларни амалга ошириш, аэродром яқинида яшовчи аҳолига ва атроф муҳитга етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий харажатлар қилингани йўқ.

Бугунги кунда Афғонистондаги ҳақиқий вазиятнинг холисона таҳлили шундан далолат берадики, айрим минтақаларда, энг аввало Афғонистон жанубида сақланиб турган кескинлик билан бир қаторда умуман мамлакатда халқаро ҳамжамият кўмагида Афғонистонни тиклаш, ҳокимият ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларни шакллантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёни қадамбақадам бормоқда.

Афғонистондаги уруш ҳамда кенг кўламдаги жанговар операциялар ўтказиш даври, АҚШда ва Европада расмий шахслар томонидан берилган баёнотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг материаллари далолат бераётганидек, умуман олганда якун топди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, «Хонобод» аэродроми юзасидан тузилган мазкур Битимда Ўзбекистон Ҳукумати номидан зиммага олинган мажбуриятларнинг амалда бўлишини тугатиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон тарафи суверен давлат сифатида ўртага қўйганлиги ҳуқуқий жиҳатдан батамом асослидир.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати «Хонобод» аэродроми юзасидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимнинг амал қилишини давом эттириш учун ҳеч бир асос кўрмаяпти ва америка контингентининг бу аэродромда бўлишини тугаллашга доир белгиланган барча тартиботларини амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди.

**(ЎзА)**

---

# Ўз-ўзингга зуғум этма

***“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 26 июл сонида эълон қилинган “Элнинг пули “чалпак”ми?” номли мақолани ўқиб, бу борада ўз фикримни билдиришни маъқул топдим.***

Муаллиф М.Сулаймоновнинг "Элнинг пули "чалпак"-ми?" деган саволига қўшимча қилиб, элнинг маънавияти, қадриятлари, миллий ғурури, ор-номуси ҳам кимларгадир "чалпак"ми, десак ўринли бўлар эди.

Яқинда бир суҳбатдошим билан гурунглашиб туриб, мавзу сериалларга бурилди. Мен сериаллардаги воқеаларнинг ривожи, уларда дастак қилинаётган эр алмаштириш, хотинбозлик, шаддодликлару қўйди-чиқдилар қадриятларимизга, ориятимизга мос эмас-

**АКС-САДО**

лигини ҳар қанча гапирмай, суҳбатдошимни ўзимга ҳамфикр қила олмадим. Охири унинг менга берган саволи шу бўлди: “У ҳолда нега намойиш этиляпти экранларда?” Боз устига кўпчилик экранга михланиб, завқ ва эҳтирос билан томоша қилаётганига ишора этди. Унинг гапларида, афсуски, жон бор.

Айни пайтда бу сериаллар эр-хотин, ёш-ялангларлардаги мавжуд сабр, вафо, садоқат ўрнини эътиқодсизлик, жанжал, қўйди-чиқди, беҳаёликка тўлдираётгани ҳам ҳақиқат. Ё, тавба дейсан, уларнинг таъсирини кишиларимиз юриш-туришида, кийинишида, ҳатто исм қўйишида ҳам кўриб, гувоҳ бўлаяпмиз.

На кулишни, на куйишни билмайдиганимиз – бир сериалнинг қайта ва қайта намойиш этилаверишига келсак, бу томошабиннинг савияси, дунёқараши, эътиқоди устидан кулиш, холос.

Эҳтимол, менинг бу фикрларим бошқаларда эътироз туғдирар. Кимга қанақа, билмадим-у, савияси ҳаминқадар сериаллар маънавий зуғумдан ўзга нарса эмас. Ва буни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

**Муҳиддин МИРЗААҲМАД,**
**Наманган шаҳри.**

---




## Табиат ҳамон жунбушда

***Мексикада эсган кучли довул туфайли юзага келган сув тошқини кўпгина талафотлар олиб келди.***



Бир неча кундан буён Мексикада давом этаётган Jose довули 30 кишининг умрига зомин бўлди, минглаб одамлар бошпанасиз қолди.

АҚШнинг жануби-шарқий штати Флоридада кезиб юрган Katrina тўфони натижасида эса 5 киши ҳалок бўлди ва 2 миллионга яқин аҳоли электр энергияси ва тоза сув таъминотидан маҳрум бўлди.

## Бир қарорга келишмаяпти

***Икки ҳафтадан буён Ироқ парламентида қизғин тортишувларга сабаб бўлаётган мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳаси ўз ечимини топаётгани йўқ.***



Ироқнинг сунний мазҳаби вакиллари янги қомус лойиҳасида “Бизнинг қарашлар акс эттирилмаяпти” деган иддаоларни илгари суришмоқда. Шунингдек, суннийлар мамлакатга федерализм мақомини беришни ёқлашмаяпти.

Муваққат ҳукумат матбуот котиби Хайт Кубба конституцияга овоз бериш якшанба кунгача амалга оширилиши ва лойиҳага суннийлар талабларига жавоб берувчи ўзгартиришлар киритилганини маълум қилмоқда.

## Парижда ёнғин

***Франция пойтахти марказидаги 13-округда ётоқхона ёниб кетди.***



Келиб чиқиши африкалик бўлган фуқаролар истиқомат қилган ушбу ётоқхонада юзага келган ёнғин оқибатида 17 киши ҳалок бўлган, 30 дан ортиқ одам турли даражада куйиш жароҳатини олган. Маълум бўлишича, бу турар жой биносида деярли хавфсизликка риоя қилинмаган. Бу “Пари Опера” меҳмонхонасидан сўнг ушбу йилда пойтахтда содир бўлган иккинчи йирик ёнғиндир.

## Маҳмуд Аббоснинг айблови

***Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос Исроил армиясини тинчликка бўлган ҳаракатларни бузишда айблади.***



Тулкарм қочқинлар лагерида ўтказилган рейд давомида Исроил ҳарбийлари томонидан беш нафар фаластинликнинг ўлдирилиши бунга сабаб бўлди. Отиб ўлдирилганлар Исроил ҳудудида терактлар содир этганликда гумон қилинган. Бироқ гувоҳларнинг айтишича, қурбон бўлганлар қуролсиз бўлган ва уларнинг иккитасини ўсмирлар ташкил этган.

## Ҳайвонот боғи қафасида одамлар

***Лондон ҳайвонот боғларидан бирида у ерга ташриф буюрувчилар сони аввалгидан бир мунча кўпроқ.***

Чунки ҳайвонот боғида 8 нафар киши худди ибтидоий одамлар қиёфасида ихтиёрий қафасга жойлаштирилган.

Ҳайвонот боғи ходимларининг таърифлашича, инсоннинг табиат экологиясига етказган таъсирини мана шундай намойиш этиш самаралироқдир.

## Авиакомпаниялар қора рўйхати

***Франция 29 август куни дунё мамлакатлари авиакомпанияси рейтингини намойиш этади. Бу рейтинг “қора рўйхат” дея аталиб, унга хавфсизлик меъёрларига риоя қилинмайдиган авиакомпаниялар киритилади.***



Мамлакат транспорт вазирлиги вакили Доминик Пербеннинг сўзига кўра, 2005 йил охиридан бошлаб ушбу рейтингга биноан французлар парвоз ишларини амалга оширишди.

Охирги кунларда турли давлатларда авиаҳалокатларнинг кўплаб содир бўлиши ва яқинда Колумбия авиакомпаниясига тегишли самолётда 160 нафар Франция фуқаросининг фожиали ҳалок бўлиши ана шундай рейтингни тузишга сабаб бўлган.

## Ингушетияда суиқасд уюштирилди

***Ингушетия бош вазири Иброҳим Малсаговга суиқасд уюштирилди.***



Хабарларга кўра, Малсагов кортежи Назрандаги бозор ёнидан ўтиб кетаётганда икки бор портлаш юз берган.

Бир милиция ходими ҳалок бўлган. Бош вазир тан жароҳати олган. Ҳозирда унинг аҳволи яхши эканлиги айтилмоқда. Воқеа юзасидан қидирув ишлари олиб борилмоқда.

**INTERNET хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

---

ЦЕМЕНТ(Ахангаран) 48,8 ▲ + 0,1 | УГОЛЬ(бпк) 12,3 ▼ - 0,3 | АРМАТУРА 486,0 ▲ + 81,1 | СУПЕРФОСФАТ 63,6 ▲ + 0,9 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 193,0 ▲ + 0,1 | Символы цен: ▲+ Увеличилась; ▼- Снизилась; ± не изменилась; +0.0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ

